

## РОССИЯ ВА ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари муттасил ортиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, 2019 йил якунларига кўра Россия билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 17 фоизга ортиб, 6,6 миллиард долларни ташкил этди, Озарбайжон билан икки томонлама савдо ҳажми эса 55,7 фоизга ошди.

Инвестициявий ҳамкорлик мустақамланмоқда. Утган йили Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида 484 та янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони умумий ҳисобда 1 минг 828 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда Озарбайжон капитални иштирокида ташкил этилган 178 та корхона фаолият юритмоқда.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда инвестиция, савдо ва транспорт-логистика соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида

эътибор қаратилди.

Россия Федерацияси билан бўлажак икки томонлама тadbирлар муҳокама қилинди. Хусусан, россиялик шериклар билан 3,5 мингта иш ўрни яратиш имконини берадиган қиймати 7,3 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Озарбайжонлик ҳамкорлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш доирасида умумий қиймати 355 миллион доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани таъкидланди. Жумладан, енгил автомобиль ва автобуслар йиғилиши йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ушбу тadbирларни мазмунан бойитиш зарурлиги алоҳида қайд этилди, ишни самарали ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Жорий ойда Озарбайжон ва Россия билан қатор икки томонлама тadbирлар режалаштирилган. Хусусан, 16-17 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси

ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши, март ойининг учинчи ўн кунлигида эса Россия Федерацияси билан шундай тadbир ўтказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия ва Озарбайжоннинг етакчи компания ва ташкилотлари билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, шерикликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, шу жумладан, агросаноат, транспорт ва логистика, таълим ва инновациялар Россия билан ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Озарбайжон билан аграр саноат, узумчилик ва виночилик, заргарлик, нефть ва газ, транспорт ва логистика, таълим соҳаларида қўшимча янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тинланди, вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тadbирлар белгиланди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯНИНГ «РЕНЕССАНС ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Туркиянинг етакчи инжиниринг ва курилиш компанияси — «Ренессанс Холдинг» президенти Эрман Илижак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ушбу учрашув ўтган ой Анкарада ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия музокараларининг мантикий давоми бўлди.

Бугунги кунда «Ренессанс Холдинг» компанияси мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг етакчи металлургия корхоналари негизида замонавий объектлар —

лойиҳавий қуввати йилга 60 миллион тонна бўлган мис бойитиш фабрикаси ва қуввати 1 миллион тоннагача бўлган металл прокати ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш тadbирлари кўриб чиқилди.

Учрашувда ушбу лойиҳалар доирасида амалий ишларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Туркия компаниясининг дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида, кейинги босқичларда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида илгор халқаро

тажриба ҳамда технологияларни жалб қилган ҳолда кўл тармоқли шифоналар ташкил этиш борасидаги лойиҳавий таклифлари тақдимоти ўтказилди.

Мазкур лойиҳалар давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилади, шунингдек, туркиялик ҳамкорлар шифоналарни бошқариш ва юқори малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда иштирок этади.

Бундан ташқари, муҳим ижтимоий объектларни реконструкция қилишда, инжиниринг, лойиҳалаштириш ва курилиш соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" АЖ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжалиқлари ва

қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тadbирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб: пахта хомашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилди;

пахта хомашёсини етиштирувчилар (фермер хўжалиқлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар)га районлаштирилган гўза навларини эркин жойлаштириш ҳуқуқи берилди;

пахта хомашёси етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертифициланган уруғлик етказиб бериш тизими (шу жумладан, уруғлик пахта учун амалдаги устама тўлаш тартиби) сақлаб қолинади ҳамда босқинча-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi уруғчилик кластерлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари зиммасига юклатилади;

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, хусусан давлат буюртмаси асосида бошқили дон етиштириш амалиёти бекор қилиш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва манфаатдорликни таъминлашга қаратилган қўлай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўздон-маҳсулот" АК ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг фермер хўжалиқлари ва галлачилик кластерлари билан "Ўздон-маҳсулот" АК тизимидаги корхоналар ўртасида 2020 йил ҳосилидан давлат харидлари доирасида тузилган контрактация шартномалари миқдорини

ҳар бир галла етиштирувчи учун 25 фоизга камайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан давлат харидлари доирасида 2 265 минг тонна бугдой (уруғлик дон учун амалдаги устама тўлаш тартибини сақлаб қолган ҳолда) ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тadbирларини амалга ошириш учун харид қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 10 майга қадар жаҳон бозори ва минтақавий биржа нархлари ҳамда республикада кутулаётган ҳосилни инобатга олиб, дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тadbирларини амалга ошириш учун 2020 йилда харид қилинадиган галла нархларини белгилансин.

Давоми 2-бетда

## ФАХР

### ШИЖОАТЛИ, ИНТИЛУВЧАН ВА ҚАТЪИЯТЛИ

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Президентимизнинг "8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони асосан жамиятимиздаги фаол, ўз касбида катта муваффақиятларга эришиб, халқимизга хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизларимиз орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар қаторида ёш бўлишига қарамай, Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессори лавозимига лойиқ кўрилган ўзбек кизи Азиза Шоназарова "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Тақдирлаш маросимида Президентимиз қахрамонимизни алоҳида қутлаб, у каби ёшлар мамлакатимиз фахри эканини таъкидлади.

Давоми 3-бетда



## МУНОСАБАТ

Шахноза ТОШПҮЛАТОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий изланувчиси

Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи Ўзбекистондаги ҳар бир аёл-қиз ҳаётида унутилмас таассурот, катта завқ-шавқ уйғотди. Давлатимиз раҳбари табригида юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган чексиз эъзознинг олий намунаси акс этди. Иккинчи томондан, маърузада уларнинг маънавияти, маърифати бўлган бугунги куннинг талаби ўз ифодасини топди.

## ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

"Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди. — деди Президентимиз ўз нутқида. — Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари фоят муҳим роль ўйнагани аён бўлади".

Ушбу фикрда ўзбек аёлларига хос меҳрибонлик, донолик фазилатлари алоҳида мадҳ этилди. Чиндан ҳам меҳрибонлик бўлмаса, донолик ҳамма вақт ҳам эзгу мақсадларга йўналтирилмайди. Қизларнинг меҳрибон она, доно рафиқа бўлиши

учун мана шу икки фазилатни фарзанд тарбиясида алоҳида эътиборга олиш тақозо этилади.

Дарҳақиқат, табриқда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тadbиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунинг учун қизларимиз бу тушунчаларни нафақат билиши, балки ҳаётда қўллай олиши ҳам зарур. Шунда улар мустақил ҳаётга мана шу имкониятдан фойдаланишга тайёр бўлиб кириб боради.

Бугунги демократик ислохотлар, сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар жараёнида хотин-қизларнинг иштироки тобора кучайиб борапти. Мамлакатимиз парламенти тарихида биринчи марта аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 91 поғонага кўтарилиб, 37-ўринга чиқди. Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қиляпти.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР  
ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ  
ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизда фермер ҳўжалиқларининг ихтиёрий кооперациялари ташкил этилади.

Қуйидагилар кооперациянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кооперация аъзолари билан шартномалар тузиш орқали пахта хомашёси етиштириш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кооперация аъзолари томонидан пахта хомашёси етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, пахта тозалаш заводларидан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш; кооперация ва уларнинг аъзолари ўртасида имзоланган шартнома асосида кооперация аъзоларини қишлоқ ҳўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлиқ, шунингдек, кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

пахта хомашёсини тайёрлаш, ташши, сақлаш, қайта ишлаш ва тегиримон усулида қайта ишлашни шартномаларга асосан амалга ошириш ва воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ташкиллаштириш;

кооперация аъзоларида агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

кооперация билан ҳамкорлик қилиш учун экспорт қилувчиларни жалб этиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

кооперация аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотларни биржада ёки биржада шаклланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида мувофиқ ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларига белгиланган имтиёзлар пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам татбиқ этилади.

в) республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси учун биржада бошлангич нарх шаклланишида амалда қўлланилаётган 10 фоиз миқдордаги чегирма бекор қилинади;

г) қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида маҳаллий шариотга мос сифатли уруғлик билан таъминлаш, тегишли тартибда ишлов берилмаган уруғлик орқали касалликлар тарқалишининг олдини олиш, пахта хомашёси ҳосилдорлигини изчил ошириб бориш мақсадида 2020 йил ҳосили учун уруғлик чигит "Ўзпахтасаноат" АЖ тизимидаги уруғчилик цехлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етказиб берилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда жажон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрда қадар келгуси йил ҳосили учун қўллаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминласин.

4. 2020 йил 15 мартдан бошлаб:

а) фермер ҳўжалиқлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик ҳўжалиқлари томонидан пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан 12 ой мuddатгача етиштириладиган пахта хомашёси умумий қийматининг 50 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 8 фоиз, 60 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

бунда: фермер ҳўжалиқлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик ҳўжалиқлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб бериувчиларни ихтиёрий танлайди;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер ҳўжалиқларининг пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ харажатларини бунақлаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг мuddатда қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) фермер ҳўжалиқлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари етиштирган пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга тижорат банклари томонидан 12 ой мuddатгача тижорат кредитлари ажратилади.

бунда: миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини; хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилди;

пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағларининг мuddатда қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорида ўзгариш киритиш ҳўкуқи берилди;

в) пахта хомашёсини ўзи етиштирадиган ва қайта ишлайдиган пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 12 ойдан сўнг ҳар ойда тенг миқдорларда қайтарил шarti билан 12 ой мuddатгача бўлган тижорат кредитларига қайта расмийлаштирилади;

г) 2021 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёси етиштириш учун кредит олиш фермер ҳўжалиқлари томонидан мустақил равишда аниқланади (ер майдони тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерига берилган ҳудудлар бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: пахта хомашёси ва донни харид қилиш учун жалб этиладиган тижорат кредитлари фоизининг бир қисмини қоплаб бериш учун республика бюджетидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига, эхтиёжга қараб, 700 миллиард сўмгача маблағ ажратсин;

пахта хомашёси ва галлани сотиб олишни кредит ресурслари билан таъминлашда тижорат банкларида маблағларга эхтиёж туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсади жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен ва корпоратив халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тижорат банклари учун зарур маблағлар билан таъминласин; ички ой мuddатда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлгуси ҳосилини сўғуртлаш механизмидаги тақомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда:

пахтачилик соҳасида кластер тизимини самарали ташкил этиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низоми; пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилган республика ҳудудларида фермер ҳўжалиқларининг ихтиёрий равишда берилаётган асосида пахта тозалаш корхоналари негизида пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар ташкил этишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

"Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш бўйича "йўл харитасини" тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзгидромет" маркази билан биргаликда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига замонавий сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида дарёлар ва республика ҳудудларида қўллаётган ва мавжуд сув ресурслар, метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик маълумотларни "on-line" режимида олиш имконини бериувчи махсус электрон саҳифа ташкил этсин ҳамда доимий фаолиятини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пахта толасини импорт қилиш бўйича чекловлар ўрнатилмаганлиги маълумот учун қабул қилсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги "2020 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги 985-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбоши, шунингдек, қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2020 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА  
СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ  
ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб: давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти бошқичма-бошқич бекор қилинади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун давлат томонидан харид қилинадиган бугдой мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарнинг донни сақлаш талабларига мос келадиган омборлар (сигимлар)да шартнома асосида сақланади;

б) 2021 йил ҳосилидан бошлаб: давлат томонидан ғалла харид нархини белгилаш амалиётининг тулиқ воз кечилади;

давлат хариди тўлиқ бекор қилинади ҳамда фермерлар ва бошоқ корхоналар томонидан етиштириладиган ғалла барча истеъмолчиларга, шу жумладан, донни қайта ишловчи корхоналар, ғаллачилик кластерлари ва трейдерларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар (фьючерс, форвард ва бошқалар) асосида эркин нархларда сотилади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги дон Жамғарма томонидан фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади;

дон етиштирувчи ҳўжалиқларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертифициланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади ҳамда 2021-2023 йилларда уруғлик етказиб бериш бошқичма-бошқич Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик ҳўжалиқлари, ғаллачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда жажон бозори, минтақавий биржалар нархларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил ғалла ҳосили учун қўллаётган минимал нархларни эълон қилсин ҳамда бозорлардаги нархлардан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини таъминласин.

4. Республика ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш Жамғарма зиммасига юклатилади.

Ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун Жамғарма томонидан харид қилинадиган дон Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда, Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган ойлик график асосида Жамғарма томонидан биржа савдоларида сотувга қўйилади.

5. Дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур миқдордаги бугдойни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (сотиб олиш, ташши, сақлаш), харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган тафовут (ижобий, салбий) Жамғарма молиявий фаолияти яқунларига олиб борилганда ҳамда зарур ҳолатларда юзага келган салбий тафовут Жамғарма республика бюджетидан қоплаб берилди.

6. 2020 йил 1 июндан бошлаб:

а) фермер ҳўжалиқлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик ҳўжалиқларининг ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан 12 ой мuddатгача ғалла ялли ҳосили умумий қийматининг 40 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз, 50 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 12 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

бунда: фермер ҳўжалиқлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик ҳўжалиқлари агротехник тадбирларни ўтказиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин

фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб бериувчиларни ихтиёрий танлайди;

ғаллачилик кластерлари томонидан фермер ҳўжалиқларининг ғалла етиштириш билан боғлиқ харажатларини бунақлаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг мuddатда қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 12 ой мuddатгача 50 миллиард сўмгача миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

бунда: миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилди;

ғаллани харид қилиш учун ажратилган кредит маблағларининг мuddатда қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилди;

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Ўздонмаҳсулот" АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда дон сақлаш сигимларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда, 2020 йил ҳосилидан бошлаб етиштириладиган бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш бўйича хизмат тарифларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, "Ўздонмаҳсулот" АЖ, Жамғарма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда 2020 йилда, 1 апрелга қадар келгуси йилларда ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун сотиб олиннадиган ғалланинг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти ва ушбу ғаллани сақлашга талаботдор корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротехнология ва саноат назорат қилиш инспекцияси дон сақланаётган корхоналарда унинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланиши юзасидан ойлик назорат ўрнатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари билан биргаликда ғаллачилик кластерлари ва донни қайта ишловчи корхоналарга республикада етиштирилган донни харид қилиш учун мазкур қарорда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ўқув-семинарларини ташкил этсин ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 майга қадар: дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган ғалла ҳажмини ҳудудлар кесимида аниқлаш ва ҳисоб-китобларни

амалга ошириш ҳамда ғаллани сақлаш тартибларини тасдиқласин;

"Ўздонмаҳсулот" АЖ тизимида кирувчи дон корхоналарини 2020-2021 йилларда белгиланган тартибда бошқичма-бошқич хусусий секторга сотиш чора-тадбирларини белгиласин.

12. Қуйидагилар: Ғалла етиштиришга давлат буюртмаси бошқичма-бошқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш;

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган бугдой ҳажмини белгилаш;

ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ғалла экин майдонларини навлар бўйича жойлаштириш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинган ғаллани сақловчи корхоналар рўйхатини шакллантириш;

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча масалаларни ҳал этиб бориш.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари У.Барноев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлиқларининг таклифларига асосан "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда календарь йилнинг 1 майига қадар талаботдор корхоналарнинг дон сақлаш сигимлари хатловдан ўтказилишини ва уларнинг амалдаги талабларга мослиги тўғрисида хулоса берилишини, ижобий хулоса берилган корхоналарнинг лабораториялари ва тарозиларини хатловдан ўтказилишини, тегишли рухсатномалар берилишини, дон сақлашга рухсат этилган корхоналар рўйхати тасдиқланишини ҳамда уларнинг дон сақлаш қувватлари эълон қилиб борилишини таъминласин;

қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.Ходжаев, сув ҳўжалиги вазири Ш.Ҳамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ғалла етиштиришга замонавий ҳамда энергия ва ресурстежамкор технологияларнинг жорий этилишини, фермер ҳўжалиқларини сув билан таъминлаш ҳамда комплекс агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2020 йил 6 март

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Баҳор ХИДИРОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигидир.

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ СОФЛИГИНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Глоблалашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги замонда асрлар оша боқий яшаб келаётган кўплаб эзгу қадриятларимиз қаторида она тилимизнинг софлигини сақлаш, ушбу бебаҳо маънавий хазинамизни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва ёш авлоднинг маънавий қадриятларимизга чексиз эътиром руҳида тарбиялашда муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 21 октябр санаи юртимизда "Ўзбек тили байрами кун"и деб белгиланди. Ушбу фармон асосида она тилимизнинг келгуси тараққиётида муҳим ўрин тутиши белгиланган алоҳида тузилма — Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди.

Шу билан бирга, сўнгги уч ой ичида давлат тилини ривожлантириш бўйича ҳукуматнинг бешта қарори қабул қилинди. Жойларда давлат тилида иш юритиш учун алоҳида маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Пойтахтимизда ва вилоят марказларида Давлат тилида иш юритишга ўқитиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Албатта, бу ишлар жамиятимизда маънавий-маърифий муҳит мустаҳкамлигини таъминлаш, она тилимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва мавқеини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, жой номлари, реклама эълонлари, бино ва иншоотлар пештоқидаги лавҳаларда она тилимизга нисбатан белпандликка йўл қўйлаётгани ижтимоий тармоқларда халқимиз томонидан энг кўп муҳокама қилинадиган мавзуга айлангани масъул идора ва ташкилотлар бу борадаги қонун талабларини бажаришга етарли даражада эътибор қаратмаётганини аниқлади.

Вазирлар Маҳкамасининг давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан ҳудудлардаги жой номларининг ҳолати ва бунга масъул бўлган ҳудудий комиссиялар фаолиятини ўрганиш натижалари ҳам фикримизга исбот бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла ва кўчаларга ном бериш, қайта номлаш масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Республикаимиз бўйича уч юздан зиёд қишлоқ ва маҳалланинг, тўрт юзга яқин кўчанинг совет замони мафқураси таъсирида шаклланиган, мантисиз, эски номлари ҳалягача сақланиб қолмоқда.

Масалан, Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги "Шилқим", Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Озод Бурхор" қишлоғи, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги "Чивинтепа", Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Бурғали", Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги "Иванжап", Шуманай туманидаги "Товуқферма" аҳоли пункти, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги "ОРС" (Отдел рабочего снабжения) маҳалласи, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги "Икки бей йиллик", Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Йўлайрик" маҳалла номларини келтириш ва бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Яна бир муаммо. Битта туманда бир хил номдаги икки ва ундан ортиқ қишлоқ, маҳалла ва кўчалар мавжуд. Энг аянчлиси — аксарият кўчалар номланмаган ва ҳатто тегишли қарорлар билан тасдиқланмаган. Айтайлик, "тез ёрдам" қақирдингиз. У тумандаги бешта "Бозор" ёки "Бўстон" маҳалласининг қайси бирига борсин?!

Рақамли иқтисодиётга ўтиш, барча соҳаларга ахборот технологияларини жорий этишга интиляпмиз. Бу жараёнда табиийки аҳоли яшаш ҳудудлари,

уй рақамларининг бундай чалқашлиги туризм, хизмат кўрсатиш, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ҳам тўсиқ бўлади. Шу боис, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш борасидаги ишлар кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир.

Кўчаларга, бинолар пештоқидаги илинган реклама эълонларидаги тил қонуниятларининг кўпол бузилиши ҳолатларини ҳам айтмасликнинг иложи йўқ. Янаям ачинарлиси, бугун пойтахт кўчалари ёки қайси вилоят марказида бўлманг худди хорижга тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Бино-иншоотлар пештоқидаги эълонларнинг аксарияти хорижий тилларда ёзилди. "Салсан", "Симсим", "Флоренция", "Суши бар Япоша", "Лопера", "Эл Гаучо" ресторанилари, "Рома пизза", "Ла миранда", "Рожо ожо", "Лук" маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, "Долче Фредо", "Бургер хаус", "Кофи лайк", "Голден форк", "Аль дельфин", "Марракеш", "Сомса хаус", "Ла кучина", "Чемодан.уз" дўконлари номларини ўқиб кетаверасиз.

Энг қизиғи, фақат марказлардагина эмас, узоқ туманларда ҳам хорижий тилда эълон осии урфа кирмоқда. Бу каби муаммолар ёшларимиз онги шуурга салбий таъсир этиши баробарида, ўзлигини қадрлайдиган, ўтмишини юксак ардоқлайдиган халқимизнинг гашига тегмайди?! Шу боис, бундай муаммоларни эътиборсиз қолдириш жиддий хато. Ҳар қандай тадбиркор даромад ишлаб топиш билан бирга халқимизнинг менталитетини, қонунларимизни чуқур ҳурмат қилиши лозим. Хусусан, рекламаларда, аввало, давлат тилининг устулиги таъминланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2020 йил 9 март куни бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимизнинг келажак тараққиётига дахлдор ана шундай долзарб муаммолар таҳлил этилиб, яқин истиқболда амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январда қабул қилинган "Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори жойларда қандай ижро этилаётгани масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Маълумотларга кўра, шу кунга қадар 24 та вазирликнинг 14 тасида маслаҳатчи лавозими жорий этилган, холос. Мазкур масалага вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳам жиддий эътибор қаратилмапти. Айрим ҳокимлар топшириқни номигагина ижро этаётгани, маслаҳатчилик вазифаси соҳага умуман алоқаси бўлмаган ходимлар зиммасига юклатилаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Давергеодекастр кўмитаси раиси А.Абдуллаев, Монополияга қарши курашиш кўмитаси раиси Н.Шарипов, Тошкент вилояти ҳокими Р.Холматов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов, Тошкент шаҳри ҳокими Ж.Ортиққўжаев, Жиззах вилояти ҳокими Э.Салиевнинг ҳисоботи эшитилди.

Мажлисда тегишли вазирлик, кўмита, идора, ташкилот ва ҳокимликларга тадбирда муҳокама этилган муаммо ва камчиликларни қисқа мuddатда бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, она тилимизнинг софлигини асраш, уни асл ҳолича сақлаб қолиш ўз қўлимизда. Бунинг учун раҳбар бўлаемиз, оддий инсонми, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аввало, бу борадаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қилсак, қалбимизда она тилимизга муҳаббат доимо аланганлик турса, шундагина она тилимиз софлиги ва абадийлигини таъминлашга эришамиз.

МУНОСАБАТ

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ



Бошланиши 1-бетда

Ватанимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлганларнинг 16 нафари аёл, шунингдек, хотин-қизлар орасида кўплаб фан докторлари, профессор ва академиклар, "Халқ ўқитувачиси", "Халқ шоири", "Халқ артисти" унвонига сазовор опа-сингилларимиз бор. Аҳамиятлиси, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларнинг муносиб вакиллари туман ва шаҳар ҳокими лавозимларига тайинлангани ҳам мислсиз янгилик бўлди.

Аёлларнинг жамиятда эришаётган ютуқлари, албатта, ўқувчи қизларда илмга муҳаббат, ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик фазилатларини шакллантиришда юксак намуна вазифасини ўтайди. Бунинг учун мактабларда ҳар бир соҳада юқори натижага эришаётган хотин-қизларнинг ўқувчилар билан уршувини доимий ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди.

Президентимиз мамлакатда камбағалликни қисқартириш учун, биринчи навбатда, ишсизликни камайтириш, бунинг учун эса, айниқса, аёлларимизда тадбиркорликка иштиёқ уйғотиш зарурлигини таъкидлади. Бу мақсадни

амалга ошириш учун Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясида белгиланган таянч фазилатлардан бири — тадбиркорлик тарбиясини қизларга мос асосда фаол жорий қилиш талаб этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари нутқи қизларимизда фидокорлик, юрт, халқига муҳаббат, саховатпешалик фазилатларини тарбиялашнинг янги, ибратли, ҳаётий намуналарига бой бўлди. Риштон шаҳрида яшайдиган тадбиркор Израбу Усмонованинг ҳаж зиёратига атаб йиллар давомида йиғиб келган маблағини моддий шароити оғир маҳалладошларига беғараз ёрдам сифатида ҳадя қилгани бунинг яққол мисоли бўлди. Сайхунбод тумани Ўзбекистон маҳалласида яшаётган Гавҳар Хусанованинг қишлоқдошлари учун ўз ҳисобидан "Мумтоз" деб номланган катта кутубхона барпо этгани, истеъдодли ёш олима Азиза Шоназарованинг АҚШдаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинланганидан қизлар тарбиясида замонамиз қаҳрамонлари сифатида фойдаланиш самарали бўлади.

Президентимиз қизлар тарбиясига эътиборни кучайтиришни алоҳида таъкидлаб, муҳтарам опа-сингилларимизга мурожаат қилиб, "Келажакимизнинг бахту икболи бўлган қизларимизни энг гўзал фазилатлар, билим ва одоб соҳиблари этиб тарбиялашни ўз эътиборингизга, ўз

масъулиятингизга олсангиз, давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам сизлардан чексиз миннатдор бўлади", деди. Ёш қизларга муносиб таълим ва тарбия беришни "ғоял машаққатли, аммо олижаноб ва савобли иш", деб атаб, бу ишга улкан ҳисса қўшишга даъват қилди.

Бугун қизлар тарбиясининг аҳамияти тобора ошмоқда. Ана шундан келиб чиқиб, Давлатимиз раҳбари қизлар тарбиясига камарбаста бўлиб, "ёш қизларимизга устозлик қилиб, уларга таълим-тарбия берадиган ҳақиқий мураббийларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йил 8 март байрамидан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан энг муносиб вакилни давлат мукофоти билан тақдирлаш" тақлифини ўртага ташлади.

Хуллас, Президентимиз табриги халқроқ миқёсда хотин-қизларга юксак ҳурмат-эътибор намунаси бўлди, десак асло муболага эмас. Айниқса, бу нутқ мамлакатимизда хотин-қизлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларимизга янги руҳ, янги мазмун бахш этди. Зеро, "Агар биз бўлгуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улугбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур".

ҚУРИЛИШ

Л.СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бугун мамлакатимизда қурилиш индустрияси энг жадал ривожланаётган соҳалардан бирига айланган. Шу боис, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ортимоқда. Маълумотларга кўра, айни пайтда юртимизда темир-бетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган қарийб 400 та корхона мавжуд. Биргина Жиззах ва Самарқанд вилоятларида уларнинг сони 40 дан ортиқ. Мазкур корхоналар томонидан ҳар йили 225 минг тонна темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

СИФАТ ВА НАЗОРАТ ТУБДАН ЯХШИЛАНДИ

Шу билан бирга, бугун қурилиш соҳаси билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар талайгина. Айрим қурилиш объектиларида кўнгилни хира қиладиган ҳолатлар аҳолининг ҳақи эътирозларига сабаб бўлмоқда. Масалан, яқинда ижтимоий тармоқларда Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Алишер Навоий маҳалласида "Илғор Дўстлик қурилиш" МЧЖ томонидан қурилаётган 5 қаватли уй-жой мажмуасида арматурасиз плиталар ишлатилаётгани кенг муҳокамага сабаб бўлди. Мазкур ҳолат мутахассислар томонидан зудлик билан ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш вазирлиги, Қурилишда стандартлаштириш республика маркази, "Ўзқурилишматериал" ЛИТИ, "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзсанотқурилишматериаллари", Тошкент шаҳри қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутасаддилари билан бўлиб ўтган анжуманда ана шунлар ҳақида сўз борди.

Мутасаддиларнинг билдиришича, 2019 йилда жами 30 миңдан ортиқ объект ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказилган. Мазкур объектлар қурилиш давомида инспекторлар томонидан жами 58 миң 295 мартаба назорат амалга оширилган. Бу жараёнда камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 16 миң 629 та ёзма кўрсатма, миңдан ортиқ ҳолат бўйича сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қайта бажарилгунга қадар жами 72 миң 786 миллион сўмлик маблағ бюртмачилар томонидан чегириб қўлинган.

Президентимизнинг жорий йил 5 февралдаги "Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилиш нозорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарори мана шундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳужжат билан қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат тузилмаси, ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий шакли тасдиқланди. Авваллари ҳар бир туман кесимда биргина штат бирлиги мавжуд бўлиб, инспекторга 135 тагача бўлган қурилиш объекти тўғри келган бўлса, эндиликда ҳудуддаги объектлар сони ҳисобга олинди, штат бирикларни қўлайтирилади ва ўртача ҳисобда ҳар бир инспекторга 30 тагача бўлган қурилиш объекти тўғри келади.

Шунингдек, объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган талаблар уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш нозоратини амалга ошириш доирасида бир қанча ҳуқуқлар тақдим этилган.

Анжуманда айни пайтда Олмазор туманида "UzTest" давлат корхонасининг халқроқ стандарт, талаб ва меъёрларга мувофиқ маҳсулотлар синловини тўлиқ амалга оширадиган замонавий синов ва назорат лабораторияларидан иборат синов ва назорат комплексини қуриш юзасидан лойиҳа-пудратчи ташкилотлари билан музокаралар ўтказилаётгани маълум қилинди.

ФАХР

ШИЖОАТЛИ, ИНТИЛУВЧАН ВА ҚАТЪИЯТЛИ



Бошланиши 1-бетда

Кеча Азиза Шоназарова ўзи таҳсил олган Тошкент давлат шарқшунослик институтида профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2007 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг шарқ фалсафаси ва маданияти таълим йўналишини тамомлаган Азиза Шоназарова 2011 йилда АҚШдаги Индиана-Блумингтон университети имтиёзли диплом билан битириб, 2019 йилда мазкур олий ўқув юртининг 2 та йўналиши бўйича диссертация ёқлади ва PhD фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олди. Айни дам Питтсбург университетидан докторликдан кейинги даража — "постдокторлик"да фаолиятини давом эттириш билан бирга, талабаларга Марказий Осиёда гендерлик тарихи, Исломда аёлларнинг ўрни, сўфизм мавзуларида дарс ўтиб келяпти.

— Азиза қурдошлари орасида ўзининг шижоати, тиришқоқлиги, интилувчанлиги, қатъияти билан доим бошқалардан ажралиб турган, — дейди Азизанинг бакалавр ва магистратура босқичидаги илмий раҳбари, Тошкент давлат шарқшунослик институти шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси мудири, профессор Дилдор Пулатова. — Ҳатто, битирув малакавий ишони ёзишда фақат китоблар, мақолаларни ўқиш билан қияланмай, манбалар билан ишлаш мақсадида талабалик даврида Ўзбекистон ФАнинг Абу Райхон Беруний номидаги

**Азиза Шоназарова 2011 йилда АҚШдаги Индиана-Блумингтон университетини имтиёзли диплом билан битириб, 2019 йилда мазкур олий ўқув юртининг 2 та йўналиши бўйича диссертация ёқлади ва PhD фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олди.**

Шарқшунослик институтига ишга кирган. Бугун олий таълим тизимида долзарб ҳисобланган илм-фан ва амалиётни уйғун тарзда олиб боришни Азиза ўша вақтдаёқ бошлаган. Уни нафақат етуқ кадр, балки иш ва оилани бирдек удралаб, ҳам яхши рафиқа, ҳам меҳрибон она, бир сўз билан айтганда, замонавий ўзбек аёли тимсолида кўришимиз мумкин.

Унинг меҳнатлари бугун жаҳон миқёсида тан олинishi бизнинг ҳам муваффақиятимиздир. Азиза билан институтиимиз ўртасидаги алоқалар ҳеч қачон узилмаган. У ҳар йили қисқа муддатли таътилда институтиимизга келади ва бизга доим илмий ишлари, изланишлари ҳақида сўзлаб бериш билан бирга, хориж тажрибалари, илм-фандаги янгиликлар билан ўртоқлашади.

Тадбирда Азиза Шоназарова Тошкент давлат шарқшунослик институтининг "Фахрий профессор"и унвони топширилди.

МОЛИЯ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФИСКАЛ СИЁСАТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАДИ, БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ КУЧАЙТИРАДИ



Жорий йилдан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонуни билан тасдиқланди. Мазкур қонун Олий Мажлис палаталари вазирлик ва идоралар бўйича тақсимланган ажратмаларни тасдиқлашда, уларга бюджетдан аниқ белгиланган ҳолда ажратилган маблағларни сарфлаш ҳуқуқини беради. Бу эса вазирликларнинг тегишли тармоқни ривожлантириш бўйича ваколатларини кенгайтиради ҳамда уларнинг парламент олдидаги маблағларни самарали ишлатилиши устидан жавобгарлигини оширади.

2020 йилдан бошлаб, Давлат бюджети харажатлари олдинги йиллардан фарқли ўлароқ соҳалар ва тармоқлар кесимида эмас, балки халқроқ тажрибага мурожаат қилиш, харажатларнинг функционал кўринишида жорий этилди.

Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти раҳбари Жаҳонгир Неъматов билан суҳбатда янгича ёндашувлар моҳияти ва улардан кутилаётган натижаларга асосий эътибор қаратилди.

Бозор иқтисодиётида бюджет сиёсати муҳим ўрин тутди. Мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг самарадорлиги ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан молия соҳасининг самарали фаолиятига боғлиқ. Даставвал шу ҳақда гапласак...

Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштиришда яққол намоён бўлди. Шунинг учун мазкур сиёсатни амалга оширишнинг замонавий босқичини таҳлил қилиш, хусусан, молия соҳасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, солиқ-бюджет сиёсатининг марказлаштирилган механизмининг воз кечishi ва худудларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш масалалари қизиқish уйғотмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида мамлакатимизда энг қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш учун янги қорхоналар ва иш ўринлари сонини кўпайтириш кераклиги таъкидланди.

Ушбу йўналишда сўнгги йилларда ўтказилган солиқ ислохоти доирасида иш хақи бўйича солиқ юки деярли 1,5 бараварга камайтирилди. Натигада, 2019 йилда иқтисодиётнинг расмий секторида ишлайдиганлар сони 500 минг кишига кўпайди.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15

фоизгача туширилди. Шу сабабли ўтган йилги қарийб 2 триллион сўм солиқ тўловчилар ихтиёрида қолди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич қарийб 11 триллион сўмга етади, бу эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар очди.

— 2020 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексига биноан мамлакатимизда соҳага оид яна қандай имтиёз, қулайлик ва янгиликлар жорий этилади?

— Бу борада энг аввало солиқларнинг умумий сони қисқартирилгани, тўловни кечиктириш имкониятини берувчи енгиллаштирилган тўлов механизмлари жорий этилганини таъкидлаш жоиз.

Махсуслотларни сотишда биринчи марта ҚҚСнинг бир қисмини тадбиркорларга қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ушбу тартиб илгари фақат уни экспорт қилганда қўлланиларди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 3,4 триллион сўм ёки 2019 йилдагига нисбатан 2,5 баравар кўп миқдордаги маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Тадбиркорлик фаолиятини мурakkabлаштирадиган тизимни — лицензиялаш бўйича махсусотларни тубдан ўзгартириш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги кунда 280 тага яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фақат фаолият ҳисобини юритиш, йиғимлар йиғиш ёки шунчаки "назорати сулейтирмасликка" қаратилганлари ҳам мавжуд. Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг адолатли ва асосли шикоятларини келтириб чиқармоқда.

Шу мақсадда Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бизнес омбудсманга лицензиялар ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қўриб чиқиш ва уларни камида 2 бараварига камайтириш бўйича тақлифлар киритиш топширилди.

Яқин келажакда давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, жумладан солиқларни такомиллаштиришдир. Ўзбекистонни Жаҳон банкининг "Doing Business"

рейтингида энг яхши 50 мамлакат қаторига кириши учун ташкилий-ҳуқуқий чоралар давом эттирилади. Шу муносабат билан Ҳукуматта ушбу чора-тадбирларни самарали ишлаб чиқиш, шу жумладан солиқ тизимини такомиллаштириш ва амалиётга босқичма-босқич жорий этишни ташкиллаштириш топширилди.

— Консолидациялашган бюджетдан кўзда тутилаётган ижобий ўзгаришлар нималарда намоён бўлади?

— Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, 2020 ва 2021 йиллар давомида Ҳукумат томонидан янги таҳрирдаги солиқ кодексининг амалиётга татбиқ этиш жараёнининг самарадорлигини узлуксиз ва ҳар томонлама мониторинги таҳлили амалга оширилиб борилади. Зарур ҳолларда унинг айрим қоида ва механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар белгиланган тартибда ўзгариш киритиш учун топширилади.

2020 йилдан бошлаб консолидациялашган бюджет давлат пенсия жамғармаси ва таъши кредитлар билан молиялаштирилмайдиган барча давлат харажатларини акс эттиради ва бюджетнинг қарови ва шаффофлигини оширади. Аини мақсадда халқроқ стандартларга мувофиқ, умумий фискал мувозанатни ҳисобга олиш жорий этилди. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий вакиллик органларининг биринчи даражали харажатлари, давлат дастурлари ва худудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини ўз вақтида молиялаштиришда масъулиятини ошириш, бюджет интизоimini кучайтириш режалаштирилган.

2020-2024 йилларга мўлжалланган Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Улар орасида "натигага йўналтирилган бюджет" деб номланган фискал сиёсатни шакллантиришга янгича ёндашувни жорий этиш муҳим ўрин тутди.

Бюджет ва солиқ соҳасидаги ҳукумат, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий вакиллик органларининг асосий вазифалари этиш солиқ объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, солиқ йиғиш даражасини ошириш, тегишли даражадаги даромадларнинг прогност кўрсаткичларини таъминлаш ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш белгиланди.

Давлат бюджетни харажатлари самарадорлигини баҳолаш тартиби босқичма-босқич жорий этилади. Хусусан, 2020 йилда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, йўллар ва сув ҳўжалиги соҳасидаги бюджет харажатларини ўтган йиллар давомида молиялаштиришни баҳолаш амалга оширилди.

Бюджет жараёнидаги яна бир янгилик — бюджет камомади ва таъши қарзлар бўйича максимал чекловлар энди қўнчилиқ даражасида белгиланганлигидир.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамасига мамлакатнинг консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялли ички махсуслотнинг 0,5 фоиз даражасидан, Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида 4 миллиард АҚШ доллари, шунингдек, давлат бюджетидан 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоригача миқдорда қайтарилмайдиган таъши қарз чегаралари белгиланди. Ушбу чоранинг жорий этилиши ҳукуматнинг таъши қарздорлик ҳажмини жиловлашга ва ундан самарали фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатдир.

"Янги Ўзбекистон" мухбири  
Лутфулла СУВОНОВ  
суҳбатлашди.

ТРАНСПОРТ



## ҲАЛҚАРО АВТОБУС ЙўНАЛИШЛАРИ

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРНИ ЯҚИН ҚИЛМОҚДА

Рисолат МАДИЕВА

Тошкент автовокзалда бундан уч-тўрт йил олдин бўлган кишининг дили хуфтон бўлса, бугунги тубдан ўзгарган ҳолатини кўриб танимай қолади. Чунки, унинг гўзал меъморий қиёфаси замонавий хизмат кўрсатиш маданияти ва қулайликлари билан ҳамоҳанглик касб этиб бораётти. Аввало, автовокзал энг сўнгги румуддаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган.



Диспетчерлик хизмати, чиптахона, кутубхона ва VIP залда йўловчилар учун барча шароитлар яратилган. Тиббиёт хонаси, савдо дўконлари, кафе-бар, ошхона, она ва бола хонаси, мехмонхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари мавжуд. Зиярат туризми ривожланиб, сайёҳлар оқимининг тобора ортиб бораётгани инobatта олиниб, аёллар ва эркеклар учун алоҳида намоҳоналар ташкил этилган.

Бу ердан маҳаллий йўналишлар билан бир қаторда Москва, Санкт-Петербург, Омск, Хўжанд, Туркистон, Қизил ўрда, Нижний Новгород, Қозон, Олмаот, Чимкент, Бишкек, Нур-Султон, Жеттисой, Тароз, Ушкони қабил шаҳарларга автобус қатновлари йўлга қўйилган. Бир кунда 2 мингга яқин йўловчи хизмат кўрсатишмоқда. Аслида унинг имконияти 5 мингдан зиёд йўловчини қамраб олишга етади. Автовокзалда 32 та перрон мавжуд бўлгани ҳолда 15-18 таси ишлаб турибди, холос.

Шунингдек, Андижон, Нукус, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғонада Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга ҳам шундай йўналишлар очилган. Улар сони тобора кўпайиб бормоқда.

— Хар гал Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида истикомат қилаётган қариндошларимни кўргани боршим муаммо бўларди, — дейди тошкентлик Саида Йўлдошбекова. — Тошкент автовокзалдан йўлга чиққан автобус узоғи билан уч ярим соатда Чимкентга етиб боради. Автобуслар замонавий, йўловчилар-

нинг эҳтиёжлари ҳар томонлама ҳисобга олинган. Кейинги пайтда чегарадан ўтишдаги тирбандлик ҳам барҳам топди. Юмшоқ ўриндиқли шинам автобусда манзилнинг йироқлиги ҳам билинмайди. Бундай фикрларни ўнлаб йўловчилардан эшитдик. Лекин ҳар бир халқроқ оқимининг тобора ортиб бораётгани инobatта олиниб, аёллар ва эркеклар учун алоҳида намоҳоналар ташкил этилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қаратилган сиёсати туфайли рўй бермоқда. Чегаралар очилди, одамларнинг бир-бирлариникига бемалол бориб келишларига кенг имкониятлар яратилди.

Президентимизнинг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2018-2021 йилларда автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унга кўра, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларидан қўшни давлатлардаги яқинлари, қариндошларини йўқлаш ёки бошқа юмушлар билан йўлга чиқадиган юрдошларимиз, мамлакатимизга келиш истагида бўлган хориж фуқароларига қулай, сифатли ва хавфсиз автотранспорт хизматлари кўрсатиш мақсадида ҳозирги кунга қадар жами 28 та мунтазам халқроқ автобус йўналиши ташкил

этилди. Уларда аввало хавфсизлик масаласи, яъни автобусларнинг техник ҳолати, ишлаб чиқарилган йили, янгилиги, ҳайдовчиларнинг малакаси, тажрибасига алоҳида аҳамият қаратилади. Йўлларда харажатлаштириш тегилиги мониторинги олиб борилади. Транзит ўтвчи давлатларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, транспорт вазирликлари билан график, йўналиш схемаси, йўлнинг аҳоли ўрганилган ҳолда ташиш амалга оширилади.

Рақамларга мурожаат қилмайдиган бўлса, аини пайтда юртимиз автовокзалларидан Қозоғистонга 17 та, Қирғизистонга 3 та, Тожикистонга 5 та ва Россия Федерациясига 3 та мунтазам халқроқ автобус йўналишлари қатнамоқда. 2018 йилда 206 минг 900, 2019 йил 472 минг 175 йўловчи ўз манзилига етказилган бўлса, жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра 67 минг 724 йўловчи автотранспорт хизмати кўрсатилган. 110 та автобус қатновининг мунтазамлигини таъминлашда асқотмоқда.

— Халқроқ йўналишида икки йилнинг ўзида аҳоли эҳтиёжининг 20-25 фоизини қамраб олишга эришилди, — дейди транспорт вазирининг ўринбосари Даврон Деҳқонов. — Аммо талаб катта. Янги йўналишлар ташкил этиш ва амалдаги йўналишнинг қатновларини сонини ошириш бўйича ишлар давом эттириляпти.

Лизинг, кредит, хорижий кредит линияларидан фойдаланган ҳолда ўтган йили 889 донга автобус харид қилинган бўлса, жорий йилда 600 та автобус сотиб олиш режалаштирилган. Унинг 25-30 фоизини кўп ўриндиқли катта автобуслар ташкил этади. Ушбу автотранспорт воситалари 51-55 йўловчига мўлжалланган бўлиб, қулай ва юмшоқ ўриндиқлар, ҳар бир ўриндиқ тепасидаги ҳаво дефлектор ва индивидуал ёритиш чироқлари, совитиги ҳамда монитор узоқ сафарга отланган йўловчиларга максимал қулайлик яратади.

Транзит юк ташишда юртимиз вакиллари иштирокини кенгайтириш, магистрал йўл инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмапти. Олдимизда мамлакатимиз орқали юк ташишни кўпайтириш учун хорижий давлатлар ва йирик компаниялар билан қўшимча битимлар имзолаш, Транс-Афғон, Транс-Кавказ, Транс-Хитой каби автомобиль йўлақларидан фойдаланишни жадаллаштириш, юк ташувчилар билан ҳамкорликда қорхоналар ташкил этиш, соҳага оид халқроқ ҳўжатларга қўшилиш каби вазифалар турибди.

САНОАТ

Худойберди КАРИМОВ,  
журналист.

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги "Қангли" маҳалла фуқаролар йиғинидаги меҳнатта лаёқатли аҳолининг атиги 20-25 фоизи яқингача доимий иш билан таъминланган эди. Бир жойда муқим ишлаб, даромад топаётган, бу билан ўз оиласи бюджетига хисса қўшаётган хотин-қизларни санашга эса қўлдаги бармоқлар ҳам етарли эди.

— Эндигина 20-25 ёшга кирган йигитларимизнинг кўпчилиги иш излаб хорижга кетишар, аёлларнинг аксарияти уйда бекор ўтиришга мажбур эди, — дейди маҳалла раиси Тўлқин Аҳоров. — Йигитимизнинг шундоққина биқинида "Жиззах" эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши бизнинг ана шу катта ижтимоий муаммомизни деярли бартараф этди. Бугун ЭИЗ худудидаги қорхоналарда бир неча юзлаб ҳамқиш-

лоқларимиз, асосан ёшлар иш билан банд. Улар барча қулайликларга эга бўлган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган цехларда ишлаб, ўзи ва рўзғори учун фойдаси тегаётганидан жуда мамнун.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармони билан ташкил этилган "Жиззах" эркин иқти-

# ЖИЗЗАХ ЭИЗ: ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

содий зонасида бугунги кунга келиб 18 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилган. Улар учун ҳаммаси бўлиб 130 миллион АҚШ доллари қўйилган ва таъши инвестициялар жалб этилди. Энг муҳими, бугун ушбу худудда ташкил топган жамоаларда 3 минг 100 нафардан кўпроқ ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда.

Тайёрланаётган махсуслотлар номини санашнинг ўзиёқ "Жиззах" ЭИЗ фаолиятининг кенглиги ва ранг-баранглигини тасдиқлайди. Жумладан, "Auto rad systems" МЧЖда автомобилларнинг тормоз колодоклари ва накладалари, "Master Bilding products"да турли ўлчамдаги қувурлар, "Roison Home White Goods"да маийий электр жиҳозлари, "Jizzax-Toshtepa textil"да трикотаж буюмлар, "Diamond Carpet"да гиламлар

ишлаб чиқариляпти. Импорт ўрнини босувчи, экспортбоп тикув машиналари, тежамкор диодли лампалар, қуёш батареялари, видео ва уяли телефонлар ҳам "Жиззахда ишлаб чиқарилган" бренди билан истеъмолчиларга етиб бормоқда.

— Орта қолган 2019 йил бир қатор йирик лойиҳаларнинг амалга ошиши билан худудимиз тарихига муҳрланмайдиган бўлди, — дейди "Жиззах" ЭИЗ дирекцияси" давлат унитар қорхонаси раҳбари Мўмин Зоиров. — Улардан бири Марказий Осиёда ягона ҳисобланган нақшинкор ойналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Minyan silu industri" хусусий қорхонаси ҳисобланади. "Cofitel" МЧЖ деб ном олган қўшма қорхона ҳам хитойликлар билан ҳамкорликда иш бошлади. Бу ерда бўёқлар тайёрлашда ўта зарур

ва муҳим бўлган қўшимча — ультрамарин қукунлар ишлаб чиқарилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Жиззах" ЭИЗ учун Арнасой туманида ажратилган худудда эса, экспортбоп махсуслотлар ишлаб чиқаришга мослашган орта-кичиклик мажмуаси фойдаланишга топширилиб, 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

"Жиззах" ЭИЗ билан ҳамкорлик қилаётган давлатлар географияси кенгайиб бораётгани ҳам аҳамиятлидир. Бугунгача ушбу худудда Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Буюк Британия каби мамлакатлар инвесторлари киритган сармоялар билан турли қорхоналар фаолият юритаётган бўлса, 2020 йилда улар қаторига Россия, Италия, Бирлашган Араб Амириклари сингари бошқа бир қатор

давлатлар вакиллари ҳам қўшилиши кутилмоқда. Хорижий ҳамкорлар кўмаги билан 2020-2021 йилларнинг ўзида умумий қиймати 300 миллион долларга яқин бўлган камида 20 та истиқболли лойиҳани ишга тушириш, 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

"Жиззах" ЭИЗда фаолият юритаётган қорхоналар ўтган бир йил ичида махсуслот ишлаб чиқариш кўрсаткичини 20 фоизга, экспортни эса, 30 фоизга оширишга муваффақ бўлди. Яқин бир-икки йилда ушбу худудда амалга ошириляётган ишлар қўламининг қарийб икки баравар кенгайиши кутилмоқда. Бу каби яхши ният, режа ва лойиҳалар ижобий натижаларнинг янада мустаҳкамланишига замин бўлиши, шубҳасиз.

ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Санобар ШОДМАНОВА,  
Тарих фанлари доктори, профессор  
Машхура ТЕМИРОВА,  
Қўқон давлат педагогика  
институтини ўқитувчиси

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон фронтнинг суянган тоғига айланди. "Ҳамма нарса фронт учун!", "Ҳамма нарса галаба учун!" – каби жанговар қаҳриқлар республика радиоси ходимларига ҳам катта масъулият юкледи. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ республикадаги барча соҳалар ҳарбийлаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон радиосида ҳам эшиттиришлар дастури тубдан ўзгартирилиб, фронт орқасининг энг жанговар, ҳозиржавоб оммавий ахборот воситасига айланди. Аҳоли ҳар куни фронтдаги жангчиларнинг қаҳрамонликлари ва жасоратлари, жанговар ҳаракат лавҳалари, шунингдек фронт орқасидаги долзарб ишлар билан боғлиқ масалаларга бағишланган эшиттиришларни тингларди.

ЖАНГОВАР СЎЗ ҚУДРАТИ



Шундай эшиттиришлардан бирида Тошкент радиоси Москвадан кўчириб келтирилган Чкалов номли заводда ишлаб чиқарилган ҳарбий самолётлар турғидан-турғи фронтнинг олдинги марраларига учиб бориб, фашист қўшинларига қирон келтираётгани, Тошкентдан эшелонларга юкланиб, фронтга юборилаётгани танқид дўшман қўшинларини кунпаяқун қилаётгани ҳақида долзарб хабарлар бериб борди. Ўзбекистон фронтнинг аслаҳонасига айлангани қайта-қайта таъкидлаб турилди. Фронтга мадад бўлсин, деб икки сменада ишлаётган ишчилар иш ҳақларининг бир қисмини, деҳқонлар сўнгги жамғармаларини фронт учун самолётлар, танклар ишлаб чиқаришга ҳадя этаётгани, Ўзбекистондан фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак олиб кетилаётганлиги ҳақида репортажлар бериб борилди.

Радиога уруш ҳақидаги илк хабар 1941 йил 22 июндаги "Сўнги ахборот" дастурида янгради. 1941 йил 3 июль куни эрта тонгда радио орқали барча оммавий сафарбарликка чақирилди. Бу қаҳриқ нафақат ёш ва навқирон йигитларни, балки бутун ўзбек халқини оёққа тургазди, натижада республикадаги барча вилоят ва шаҳарлардан фронтга бориш истагини билдирган кўнгиллилар сони ортиб борди. Улар ҳам радио орқали ватан ҳимоясига тайёр эканликларини таъкидладилар.

Ўзбекистон радиосининг кўпчилик ходимлари Ахборот бюроси хабарлари, "Сўнги ахборот" материалларини кўллари қалам олиб тинглардилар. Улар зудлик билан ўзбек тилига таржима қилиниб, республика аҳолисига етказиб турилди. Ана шундай материаллар асосида ўзбек радио журналистлари "Сўнги саватда" номи эшиттириш руҳини остида юзлаб ахборотлар берди.

Ўша вақтларда халқ радиони орзиқиб, ҳаяжон ва умид билан тингларди. Чунки кимнингдир фарзанди, кимнингдир отаси, акаси, укаси, невараси фронтда жанг қилаётган эди. Айниқса, "Фронтдан хатлар", "Фронтга хатлар" деган эшиттиришлар кенг халқ оммасининг эътиборини ўзига тортди. Бу фронт ва фронт ортининг ўзига хос мулоқоти эди. Ҳар куни радио даргоҳига кекса оталар, оналар келишарди. Улар: "Болам, қарагин, ўғлимдан хат борми?" ёки "Мен ҳам ўғлимга радио орқали хат юбормоқчиман, ёзиб бермайсанми, жон болам" деб мурожаат қиларди. "Сўнги ахборот" дастури кўпайтирилди. У ҳар икки ҳафтада эфирга чиқиб турди. Кўпчилик бу дастурнинг бирор сонини ўтказиб юбормаслиққа ҳаракат қиларди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида жуда кўплаб саноят корхоналари, олий ўқув юрталари, илмий ва маданий марказлар, уруш хавфи остида қолаётган халқлар

Ўзбекистонга кўчириб келинди. Мингларча ўзбек оилалари урушда қатнаётган ёки ватан ҳимояси учун ҳалок бўлганларнинг юз минглаб фарзандларини бағриларига олди. Ўзбекистон радиоси эса халқ орасида бу каби инсонпарварлик ва меҳр-муруват жараёнларини амалга ошириш йўлидаги тарғибот эшиттиришларини олиб борди.

Ҳар куни бу қутлуг даргоҳга ўнлаб фан, маданият арбоблари келарди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулум, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, Собир Абдулла янги ёзган шеърларини, ҳикояларини илк бор радио орқали ўқиб берарди. "Фронтдан хатлар" эшиттиришида жангчи Чебурихнинг Гафур Ғулумга мактуби ўқиб эшиттирилади. Унда "Мухтарам Гафур Ғулум! Сизнинг "Правда" газетасида босилган "Сен етим эмассан" шеърингизни ўқидим. Бу шеърингиз устига тўқилган кўз ёшимни сизнинг асарингизга бўлган ҳурматим, деб билинг. Энди Сизнинг юртингизга эвакуация қилинган ўғлим тақдирини учун хотиржамман", — деган сатрлар бор эди. Гафур Ғулумнинг "Сен етим эмассан" шеъри радионинг нодир ёзувчлари хазинасида авайлаб сақланмоқда. Бу шеърни шоирнинг ўзи ўқиган.

Уруш йилларида радиоэшиттириш кўмитаси жуда кўп инженер-техник ходимлар, журналистлар, адабиёт ва санъат аҳллари учун катта ижод ва тажриба мактаби бўлди. Ўз ижодий фаолиятини журналист сифатида оддий хабар ёзишдан бошлаган кўпгина ижодкорлар йирик бадиий асарлар яратувчи адиб даражасига кўтарилди. Уруш уларни тезкор, ҳозиржавоблик билан ишлашга, ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришга ўргатди. Ўша йиллари ёзувчилардан Ойдин Собирова, Насрулло Охундий, Адхам Раҳмат, Ҳасан Назир, Мирмуҳсин, журналистлардан Тошқин Мўминов, В.М. Аркт, Д.Н. Протопопов, Нўмон Ғулумов, Пошо Ганиев, Людмила Зеленская, Владимир Михайлов, дикторлардан Ҳамид Ғулум, Туроб Тўла, Қодир Маҳсумов, Хурриятхон Набиева, Зиёда Аминова, Тўйғун Юнусжўраева уйқуни, оромни билмай меҳнат қилди.

**Журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тошқин Мўминов "Сўнги ахборот" тахририятида мухбир бўлиб ишларди. Урушнинг биринчи кунлик фронтга кетди ва 1943 йилда ярадор бўлиб, яна радиога ишга қайтиб келди. Чунки бу йилларда барча соҳаларда бўлгани каби радиога ҳам кадрлар етишмаслиқ ҳолати мавжуд эди.**

Тошкент шаҳрида жойлашган Радио уйи биноси ҳам радиоэшиттириш учун мўлжалланмаган бўлиб, талабга жавоб бермас эди. Шунга қарамасдан радио фаолиятини сусайтирмади. Аксинча, туну-кун ишлаб, жанговар сўз қудрати билан халқимизни фашизм устидан галабага чорлади. Мухтасар айтганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида радио нафақат бутун республика, балки бутун дунёда бўлаётган воқеалардан халқни бохабар қилиб борди. Қозонилган буюк галабада унинг муносиб ўрни бор.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ФУҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимиздаги ислохотлар замирида фуқароларнинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш мақсади муҳимдир. Халқро жамоатчилик бугун Ўзбекистонда кечаётган асосий янгиланишлардан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган қатъий сиёсатни эътироф этмоқда. Айниқса, билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларга бағрикенглик кўрсатилаётгани мамлакатимизда юрийтилаётган инсонпарвар сиёсатнинг юксак намунаси дур.

Жазони ижро этиш тизими тубдан тақомиллаштирилиб, йиллар давомида соҳада тўпланиб қолган муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топтомоқда. Жумладан, маҳкумларнинг иш ҳақидан ижтимоий сугурта ажратилмаслиги белгиланиб, пенсия таъминотига эга бўлиши таъминланди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларга илк маротаба сайлов ҳуқуқи тақдим этилди. Маҳкумларнинг таълим олиши ва касб-хунар эгаллаши бўйича ҳуқуқий қарорлар мустаҳкамланди. Муассасалар ҳудудда жойлашган умумтаълим мактаби филиалларида 309 нафар маҳкум 5–11-синфларда таълим олмақда. Ўқувчи маҳкумларга жазони ижро этиш колонияларида яқин ҳудудда жойлашган мактабларнинг ўқитувчилари давлат таълим стандартлари талабига мос таълим бермоқда.

Уларнинг билим доирасини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида замонавий кутубхоналар барпо этилди. Ёшлар турдаги колонияларда сақланаётган маҳкумларнинг телефон сўзлашуви, йўқлов олиши ва унча-унча қарий икки баробар кўпайтирилди.

Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи, полковник

Баҳромбек Адиллов билан суҳбатимиз бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳусусида бўлди.

— Маҳкумларга жисмоний ва руҳий босим ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қароқўлатиш мақсадида тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларга нисбатан қийноқ қўлланган ҳақида қўлланмаганини қайд этиб бориш бўйича алоҳида журнал юритилиб, тергов-суриштирув ҳаракатлари ўтказилганидан сўнг маъсул тиббий ходим томонидан текширув ўтказилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқларини қароқўлатиш бўйича ҳам самарали ишлар йўлга қўйилди.

Хусусан, Зангиота туманида замонавий, халқро стандартларга мос янги тергов ҳибсхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 35 та колониядаги маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган бинолар тўлиқ таъмирланди ва уларнинг ҳудудини видеокузатув назоратига олиш учун қўшимча 1 381 та видеокамера ўрнатилди.

**Барча тергов ҳибсхоналарида тергов жараёни ва сақлаш**



шароитларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда қийноқ ва жисмоний таълим ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2 минг 989 та замонавий видеокузатув мосламаси ўрнатилди.

Бундан ташқари, барча жазони ижро этиш колонияларида Омбудсманга, прокурорга мурожаат учун мўлжалланган алоҳида қўтилар ўрнатилди. Улар фақат мазкур идораларнинг маъсул ходими томонидан муҳрланади ва очилади. Бу эса маҳкумларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, улар билан бўладиган ўзаро муносабатларда белгиланган қонун талабларидан четга чиқмаслиққа хизмат қилади. Шунингдек, қийноқлар ва таълим ўтказиши билан боғлиқ салбий ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш борасида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан муассасаларда мунтазам равишда мониторинг ўтказилмоқда. Муассаса бошлиқлари маъсул ходимлар билан бирга маҳкумларни белгиланган қўтилар қабул қилиб, муаммоларни шу вақтингизда ҳал этилти.

Ўтган йили Президентимизнинг сиёсий иродаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жаслик қўргонда жойлашган 19-иқтисослаштирилган колония ёпилиб, у ерда сақланаётган 395 нафар маҳкум суд томонидан белгиланган тартибга мувофиқ бошқа колонияларга ўтказилди. Бу дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳолиниб, Ўзбекистон ну-

фузининг ошишига хизмат қилган муҳим тарихий воқеа бўлди.

— Жазо ўтаётган шахсларнинг озодликка чиққач, жамият ҳаётига тезроқ мослашишига, вақтини самарали ўтказишига кўмаклашиш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Маҳкумларни тўғри ҳаётга қайтариш, содир этган жинояти учун чин қўнгилдан пушаймонлик ҳиссини уйғотиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда уч босқичли (индивидуал ёндашиш, тўғри ижтимоий ҳаётга қайтариш ва озодликка чиққач тайёрлаш) тарбиявий ишлар олиб бориляпти. Маҳкумларни жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва қонунга итоаткор руҳда ахлоқдан қайта тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида мунтазам тарбиявий-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларни касбга ўргатиш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш борасида ҳам қатор ижобий натижаларга эришилди. Масалан, 2019 йилда жазони ижро этиш колонияларидаги корхоналарда 3 334 та янги иш ўрни ташкил этилиб, меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 88 фоизи учун меҳнат қилишга муносиб шароит яратилди. ИИВ ЖИЭББ ва "Хунарман" уюшмаси ҳамкорлиги доирасида 18 нафар хунарманд раҳбарлигида ташкил этилган "Уста-шоғирд" мактабида 306 нафар уста-маҳкумга 979 нафар шоғирд-маҳкум бериштирилди. Усталар шоғирдларига халқ амалии санъати маҳсулотларини тайёрлашни ўргатмоқда. Бугунги кунда "Уста-шоғирд" мактабининг 18 нафар маҳкумга эгалланган мутахассислиги бўйича сертификатлар берилди.

Маҳкумларни озодликка чиққач тайёрлаш, республикадаги сиёсий ва ижтимоий воқеалардан хабардор қилиш мақсадида барча колонияларда фуқаролик жамияти

институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, "Интилиш" нодавлат нотижкорат ташкилоти вакиллари билан ҳамкорликда озодликка чиққач ҳозирлик қўраётган маҳкумларга ижтимоий-психологик мавзуларда учрашув ва тренинглар ўтказилиб, зарур ҳуқуқий, ижтимоий психологик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ижтимоийлашуви таъминланди.

Бу каби комплекс чора-тадбирлар маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтиши, тўғри ҳаёт тарзини танлашига катта туртки бермоқда.

— Маҳкумларга кўрсатилган тиббий хизмат сифати қандай?

— Бош бошқармаимизнинг давлат-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бўлими томонидан ЖИЭББ тасарруфидидаги тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш колониялари ҳамда маҳкумлар учун иқтисослаштирилган шифохонада фаолият кўрсатаётган тиббий кадрлар Тошкент врачлар мажлисини ошириш институтида иқтисослик ҳамда малака ошириш курсларида ўқитилди.

Шунингдек, маҳкумлар учун иқтисослашган шифохонанинг тор доирадаги мутахассислар — эндоскопист, оториноларинголог, офтальмолог, кардиолог, невропатолог, инфекционист, дерматовенеролог, жарроҳ, стоматолог, УТТ шифокорларидан иборат ишчи гуруҳ тўзилган. Ушбу гуруҳ ИИВ ЖИЭББ тасарруфидидаги барча муассасаларда касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида профилактик тиббий кўрик ўтказилади.

Жумладан, ўтган йили жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг барчаси тиббий кўридан ўтказилди. Натيجида касаллик аниқланган маҳкумларни соғломлаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳар 6 ойда флюорография текширувлардан ўтказилмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА суҳбатлашди.

ТАШАББУС



НУКУС БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Манажтдин ҚУТЛИМУРАТОВ

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ташаббуси билан Мўйноқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан бир гуруҳининг Нукус шаҳрига саёҳати уюштирилди. Мақсад ёшларга шаҳар ҳаёти, диққатга сазовор жойларини кўрсатиш, шу орқали уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништириш эди.

Музейдаги экспонатлар, профессионал мўйқалам эгаларининг бетакор санъат асарлари, тарихий археологик ашёлар билан тарих, маданият ва санъатдан сабоқ берди, десак муболага бўлмайди.

Ўқувчилар шаҳарнинг сўлим гўшаларини сайр қилиб, дастлаб Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг болалар юридик коллега боришди. Бу ерда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналари билан яқиндан танишган, баъзи ўқувчиларда ана шу масканда таълим олиш истаги пайдо бўлди. Ўқувчиларнинг навбатдаги манзили қорақалпоқ халқининг неча минг йиллик тарихидан сўзловчи, рус авангард коллекцияси билан бутун дунёга донги кетган Игорь Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат санъат музейи бўлди. Музейдаги экспонатлар, профессионал мўйқалам эгаларининг

бетакор санъат асарлари, тарихий археологик ашёлар билан тарих, маданият ва санъатдан сабоқ берди, десак муболага бўлмайди.

Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида болаларга "Ватан тупроғи" спектакли намойиш этилди. Спектаклда Ватанни қадрлаш, унинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиқидек асраш, унга садоқат билан хизмат қилиш кераклиги ҳақида ҳикоя қилинган.

Унутилмас таассуротлар ва қизиқарли воқеаларга бой бўлган саёҳат якунида мутаассадилар ўқувчиларга бадиий китоблар тўпламини совға қилди. Болалар саёҳат ташкилотчиларига унутилмас таассуротлар учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

МИР АРАБ МАДРАСАСИ — АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН УЛУҒ ДАРГОҲ



Жобир ХУҶАҚУЛОВ, "Дунё" АА

Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири бўлган. Хусусан, ислом дини ривожига Бухоро заминидан етишиб чиққан олиму уламолар катта ҳисса қўшган. Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абу Ҳафс Кабир, Абу Ҳафс Сағир, Абдуҳолик Ғиждувоний, Хўжа Ориф Ревғарий, Анжир Фағнавий, Ромитаний, Бобойи Самосий, Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуг аждодларимизнинг мусулмон дунёсида катта ҳурмат билан тилга олинган ҳам катта маъно бор аслида. Бухоро ана шу буюк аждодларимизнинг соф ислом таълимотига қўшган ҳиссалари учун "Қубатул ислом" номи билан машҳур бўлди.

Шундан бўлса керак, таълим олиш учун мусулмон оламнинг турли мамлакатларидан одамлар илм излаб Бухорога келган. Жумладан, XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасаси ислом дунёсида катта мавқега эришган. Мадрасани бутун оламга машҳур қилган жиҳат, ҳеч муболагасиз айтишимиз мумкинки, бу ердан етишиб чиққан забардаст алломалар ва улар мерос қолдирган буюк асарлардир.

Мадрасанинг номи нега Мир Араб? Мир Араб ўз замонасида ислом дини ривожига ҳисса қўшган тасаввуф оламнинг етук намоёндаларидан бири бўлган. У киши ҳақида турли китобларда кўплаб ривоятлар ва маълумотлар

кейтирилади.

Манбаларда айтилишича, Ҳазрат Мир Араб нақшбандия тарикатининг улуг пири муридиди, соҳибқаромат авлиё, улкан тарбиячидир. У кишининг асл исми Саййид Абдуллоҳ Яманийдир ва Яманийнинг Ҳадрамавт деган жойида тахминан 1461 йилда подшоҳ оиласида туғилган.

Саййид Абдуллоҳ Яманийнинг амири бўлган, лекин 22 ёшга кирганларида тоғу тахдан воз кечиб, ҳозирги Туркистон ҳудудига кўчиб келади. Кейинчалик Самарқандга — Хожа Аҳрор Валий даргоҳига келиб илм ўрганадилар. Абдуллоҳи Мир Араб Яманий дейишларига сабаб у кишининг миллати, амрилиги ва

туғилган жойига ишорадир.

Восифий "Бадоеъ ул вақоъ" асарида ёзишча, ўша даврда Бухорони бошқарган Убайдуллоҳон Ҳазрат Мир Арабни ўзига пир деб билган.

Мир Араб Бухорода кўлаб иншоотлар, ариқлар, кўприклар қурилишига ҳисса қўшган. Мир Араб мадрасаси ҳам у кишининг кўмағида 1530–1536 йиллар мобайнида қурилган. Мадраса шаҳар марказида, қадимий Шахристонда жойлашган. Бино икки улкан гумбази билан бошқа тарихий бинолардан ажралиб туради. Мадрасанинг кириш қисми кунботар томонда. Дарвоза улкан пештоқ остида жойлашган. Иншоот тўрт қаватдан иборат бўлиб, унда 114 та хона бор. Мадрасанинг ички қисми ҳам ажойиб тарзда лойихалаштирилган. Хўжаларни тўртта улкан пештоқ ажратиб туради. Мадрасанинг мезморий шакли тўртбурчак — Қуръон китобини эслатади. Хўжаларнинг 114 талиги эса Қуръон сура-лари сонига мусо келади. Ривоятларга кўра, мадраса асоси чуқур қилиниб, тоғ тошлари билан мустаҳкамланган, қор, ёмғир сувини қочириб учун тазарлар ишланган, улар орқали сув шаҳар кўрғонидан ташқарига чиқарилган. Ҳазрат Мир Араб мадраса қурилишининг якуини кўра олмаган. Чунки у киши 1536 йил бошида вафот этганлар. Алломанинг сағаналари мадраса ҳовлисида жойлашган.

таълим даргоҳидан ислом оламида юксак мавқега эришган машҳур олимлар етишиб чиқди. Улар орасида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Россия муфтийлар кенгаши раиси Равил Гайнутдин, Татаристон муфтийси Талгат Тождудин, Озарбайжон муфтийси Оллошқур Пошшоода, Чеченистоннинг биринчи Президенти Аҳмад хожи Қодиров каби уламолар мусулмон оламида ҳурмат билан тилга олинади.

Мадрасанинг асрлар давомида илм маскани бўлиб, зиё нури тартиб кел-лаётгани сабабларидан бири илм даргоҳига асос солган улуг зот, нақшбандия тарикатининг улуг пири Мир Араб Саййид Абдуллоҳ Яманийнинг шарофати ва барокотларидан, десак ҳеч муболага қилмаган бўлаемиз. Эеро, ривоятларда айтилишича, шайх Мир Араб ҳазратлари мадраса қиёматгача илм ва таълим маскани бўлиб қолишни сўраб дуо қилган эканлар.

1997 йил Бухоронинг 2500 йиллиги байрами арафасида Мир Араб мадрасаси таъмирланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Мир Араб олий мадрасасини ташкил қилиш буйича кўрсатмалар берилган эди. Орадан кўп ўтмай, бу тақдир ҳаёт-га татбиқ этилди.

Ушбу диний таълим муассасасининг

САЙЙИД АБДУЛЛОҲ ЯМАНИЙНИНГ АМИРИ БЎЛГАН, ЛЕКИН 22 ЁШГА КИРГАНЛАРИДА ТОҶУ ТАХТДАН ВОЗ КЕЧИБ, ҲОЗИРГИ ТУРКИСТОН ҲУДУДИГА КЎЧИБ КЕЛАДИ. КЕЙИНЧАЛИК САМАРҚАНДГА — ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ДАРГОҲИГА КЕЛИБ ИЛМ ЎРГАНАДИЛАР. АБДУЛЛОҲНИ МИР АРАБ ЯМАНИЙ ДЕЙИШЛАРИГА САБАБ У КИШИНИНГ МИЛЛАТИ, АМИРЛИГИ ВА ТУҒИЛГАН ЖОЙИГА ИШОРАДИР.

Мадраса бунёд этилганидан буён у ерда улуми нақлия (исломий) ва улуми ақлия (дунёвий) таълим берилди. Улу-ми нақлияда Қуръони карим, Ҳадиси шариф, фикҳ илмлари, уларга ёзилган шарҳлар ўргатилган. Улуми ақлияда дунёвий фанлар — фалакийёт, рибозийёт, илми нукум, ал-жабр, кимё, геометрия, география, тарих, фалсафадан сабоқ олинган. Адабиёт, мантқиқ, араб тили грамматикаси, мусика, хаттотлик санъати ва ахлоқ-одоб илмларидан дарслар ўтилган. Таъқидлаш жоизки, мадраса турли сулолалар ва ҳукмронликлар даврида ҳам ўз мавқени йўқотмаган. Лекин шонли тарихи ҳамиса ошда кечмаган. Жумладан, собиқ мустабид ту-зум даврига келиб диний соҳага қарши қаттиқ кураш бошланди. Деярли барча мадраса ва масжидлар ёпилди. Минг йиллик қўлэмалар, китоблар олиб ке-тилди.

Шўролар даврида ушбу мадраса фаолияти вақтинча тўхтатилган. Кейинчалик яна қайта тикланган. Бироқ ўқув режаларига тарих, география ва рус тили каби фанларни киритиш ва уларга диний фанлардан кўра кўпроқ дарс соатлари ажратили-ши шарт эди. Шундай бўлса-да, ушбу

ташкил қилиниши фўқароларнинг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғри-сида"ги қонунда белгиланган виждон эркинлиги ҳамда диний таълим олиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун яна бир имконият бўлди.

Мадраса мусулмон дунёси уламо-лари, мактабдор, мудarris, қозилар, масжид имомлари ва турли даражадаги давлат амалдорлари тайёрлайдиган олий ва ўрта даражали ўқув юртидир. Бу ерда барча мусулмон мамлакатла-ри мадрасаларида бўлгани каби диний таълим билан бирга дунёвий фанлар ўқитилмоқда.

Мазкур саъй-ҳаракатларни 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республи-касини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси асосида халқимизнинг маънавий қадриятлари ва аждодлари-мизнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш билан бирга бу-тун жаҳон жамоатчилигига ислом ди-нининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш йўлида амалга оширилётган улкан ишларнинг мантқиқ довоми, дейиш мумкин.

ТАЪЛИМ

Усмонали НОРМАТОВ

Президентимиз мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган йўналишлардан бирида мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олишини эслатар экан, "Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида бочча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди", — деган эди.

Узун туманидаги "Янги шаҳар" маҳалласида жойлашган болалар боччаси замонавий шарт-шароитларга эга, жажжиларни тарбиялашнинг самарали ва таъсирчан усулларидан фойдаланиши билан ажралиб туради. Давлат-хусусий шерикчилигидаги маз-кур масканда ўзбек тили билан бир-галикда инглиз ва рус тиллари чуқур-лаштирилган ҳолда ўргатилади. Бу масъулиятли вазифага мактабларда ишлаб, бой тақрибга эга бўлган Раъ-но Назарова, Зулфия Саидова синга-кур педагоглар жалб қилинган. Маса-лан, мактаб шароитида бир синфда 30 нафар ўқувчи бўлса, уларга ҳаф-тасига дейлик 2 соатдан рус ва инглиз

тили сабоқлари олиб борилади. Син-фда ўқитувчи ҳар бир бола билан якка тарзда шугулланган тақдирда ҳам уларнинг ҳар бирига атиги 3 дақиқа вақт ажрата олади. Кўпинча ўқитув-чилар синфдаги болаларга умумий тарзда дарс ўтиб кетаверади. Макта-бларда ўқув йили жараёнида 34 ҳафта ўқиш бўлишини ҳисобга олсак, инглиз ёки рус тили фанини 102 дақиқа ўқи-тиш мумкин.

Мазкур боччада эса ҳафтанинг ду-шанба, чоршанба, жума кунлари ин-глиз тили, шешанба, пайшанба, шанба кунлари рус тили ўтилади. Яъни, ҳафт-тасига ҳар бир фан буйича 3 соатдан машғул олди борилади. Бир гуруҳда

БОҒЧАГА БОРГАН БОЛА ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ШАХС БЎЛИБ ВОЯГА ЕТАДИ

9 та бола тарбияланаётганини ҳисоб-га олсак, ҳар соат дарсда ўқитувчи бир болага беш дақиқа вақт ажрата-ди, яъни, боччада ҳафтасига бола 15 дақиқа яқка тарзда инглиз ва рус ти-лидан сабоқ олади. Бундан ташқари, боччада мактабга нисбатан 18 ҳафта кўп, яъни 52 ҳафта машғулотлар таши-кил қилинади. Агар боланинг ҳар хил сабабларга кўра (масалан, касал бў-лиши, ота-онаси бағрида бўлиши) ай-рини кунлари боччага келмай қолиши-ни назардан қочирмаганимизда ҳам 52 ҳафтанинг ҳар бирида ўртача 13 дақиқадан тил билан шугулланишини ҳисобга олганимизда бола бир йил мобайнида рус ёки инглиз тилини 675 дақиқа ўрганади. Энди ўйлаб кўрай-лик, бола тилни яхши ўзлаштириши учун мактабдаги 102 дақиқа кифоями ёки боччадаги 675 дақиқа афзалми? Яна бир жиҳати, боччада бола иккинчи йилдан бошлаб интенсив курсларда ўқитилади.

Энг қизиги, тарбиячилар нафақага чиққан онахонлар. Ота-оналарнинг фикрича, улар болаларни ёш қизларга

нисбатан яхши тарбиялашади. Чунки онахонларда болалар тарбияси буйи-ча бой тақриб ва кўника шаклланди. Болаларга алла айтишни ҳам, қўшиқ куйлашни ҳам эринмай бажари-шади. Жажжиларни овқатлантириш, тоза ҳавода сайр қилдиришни ҳам кўнгилдагидек эплашарди.

Бугунги кунда қишлоқларда ҳам давлат-хусусий шерикчилигидаги оила-вий ва хусусий боччаларга эҳтиёж ортмоқда. Чунки ота-оналар қайси ма-сканда шароит, таълим-тарбия наму-наги йўлга қўйилган бўлса, фарзанд-ларини ўша даргоҳда тарбия олишини исташади. Буни ушбу рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Ўтган йилнинг ўзида Сурхондарё вилоятида оилавий нодав-лат мактабгача таълим муассасаси 228 тага етди. Натижада уларнинг умумий сони 679 тага (2017 йилга нисба-тан қарийб икки баравар кўп) етди ва бу масканларда 80, 5 минг нафар 3-7 ёшгача бўлган ўғил-қиз (қамров дара-жаси 2017 йилги 11,6 фоиздан 2019 йил 35 фоизга ошди) тарбияланмоқда.

2020 йилга белгиланган "Йўл харитаси"га асосан, 80 та (6 715 ўринли) давлат — хусусий шериклигидаги, 575 та (14 375 ўринли) оилавий, давлат маблағи ҳисобидан 5 та (630 ўринли) мактабгача таълим муассасаси топширилиши мўлжалланган.

Бундан ташқари, 16 минг нафар-дан зиёд бола бошланғич бир йиллик мажбурий таълимга жалб қилинади. 1 200 нафар ўғил-қиз модул (контей-нер) боччаларга жойлаштирилади. Инвестиция дастури асосида рекон-струкция ишларини бажариш ҳисоб-га қўшимча 1000 ўринли боччалар бунёд этилади.

БОКС

Абдулхай ЮНУСОВ

Иордания пойтахти Амман шаҳрида бокс буйича Осиё-Океания минтакалари учун Токио Олимпиадаси йўлланмасини берувчи саралаш баҳслари давом этмоқда.

БЕШТА ЙЎЛЛАНМА НАҚД



Турнирдаги ilk йўлланмани ҳамюртимиз Бобоусмон Батуров кўлга киритди. У -69 кг. вазн тоифасининг чорак финалида хитойлик Кюнг Ерсунга қарши рингга кўтарилиб, 3 раунд натижасига кўра ғалаба қозонди.

-91 килограмм вазн тоифасида эса ҳамюртимиз Сан-жар Турсунов чорак финалда эронлик Туфан Шарифи билан кечган баҳсда чиройли ғалабага эришиб, ярим финал ва Олимпиада йўлланмасига эга чиқди.

Афсуски, -75 кг. вазн тоифасида чорак финалда қатнашган Фанат Қахрамонов қозғистонлик Абилхан Аманқулга имкониятни бой бериб қўйди. Аммо Фанатда ҳали йўлланмани кўлга киритиш имконияти бор. Регламентга кўра, ушбу вазн тоифасида Токио-2020 учун 5 та квота ажратилган. Юртдошимиз энди чорак финал-да имкониятни бой берган бошқа боксчилар билан яна йўлланма учун кураш олиб боради.

Қизлар ўртасида -69 кг. вазн тоифасида рингга кўта-рилган Мафтунахон Мелиева чорак финал жангини му-ваффақиятсиз якунлади.

Энг оғир вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Баҳоидир Жалолов чорак финалда баҳрайлик Данис Латипов устидан ишончли ғалабага эришиб, ўз спорт фаолиятида иккинчи марта Олимпиада йўл-ланмасига эга чиқди.

Яна бир иқтидорли боксчимиз Элнур Абдураи-мов -63 кг. вазн тоифасидаги ярим финал учун кечган баҳсда австралиялик рақибни Харрисон Гарсейдани тас-лим эта олди ва навбатдаги 5-йўлланмани терма жамо-амиз ҳисобига қўшиб қўйди.

ХОККЕЙ

"ҲУМО" — ЧОРАК ФИНАЛДА!

Олий хоккей лигаси мунтазам чемпионати — Ипак йўли кубогига 2019–2020 йил мавсумида ilk бор иштирок этаётган Тошкентнинг "Ҳумо" жамоаси плей-офф 1/8 финали доирасида Нефтекамскнинг "Торос" клубини етти учрашув натижасига кўра 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.



Ушбу ғалаба тошкентликларга чорак финалга йўл-ланма берди. Энди вакилларимизни навбатдаги уч-рашувда янада кучли рақиб — ўз конференциясида пешқадам бўлган "Звезда" (Москва) жамоаси кўтиб турибди.

Жамоамиз чорак финалдаги дастлабки икки уч-рашувни 11 ва 12 март кунлари сафарда ўтказди. Кейинги икки учрашув эса 15-16 март кунлари "HUMO Агел"да бўлиб ўтади.

Қондага мувофиқ, режалаштирилган етти ўйинда қайси жамоа биринчи бўлиб тўртта ғалабага эриш-са, ўша жамоа кейинги босқичда курашни давом эттиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёр

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Тахриратга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахрират компьютер марказида сақланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" М-ЧҚ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 919. 43018 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси белгиланган нарҳда.

"KOLORPAK" М-ЧҚ босмаҳонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-й. ЎЗА якуни — 21:40 Топшириқди — 01:30 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Навбатчи: Мухтасар Тожимаматова Мусахҳих: Асолат Аҳмадқуллова

Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76

Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй